

ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ҲУДУДИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Ж. А. Исматуллаев

Қарши ДУ таянч докторанти

ARTICLE INFO.

Ключевые слова:

Инвестиция фаолияти, инвестиция фонди, маҳаллӣ ва хорижӣ инвестиция, эркин иқтисодӣ зоналар, инвестициявӣ фаоллик, қимматли қоғозлар.

Аннотация

Ҳудудларда амалга ошириладиган инвестиция фаолиятини самарали олиб боришда инвестиция фаолиятининг муҳим жиҳатларига эътибор қаратиш лозимлиги, инвестицияларни жалб этиш механизмларини шакллантириш ва уларни тадрижӣ тарзда такомиллаштириб бориш, маҳаллӣ инвестициявӣ фаолликни оширишда давлат хусусий шериклигига инвестиция фондларини ташкил этиш ва уларни доимӣ ривожлантириб бориш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

<http://www.gospodarkainnowacje.pl/> © 2022 LWAB.

Кириш. Ҳозирги замонда ҳалқаро муносабатлар жуда мураккаб тус олган бир даврда миллий иқтисодиётнинг барқарор ўсиш суръатларини таъминлашнинг зарурий шарт-шароитларидан бири ривожланган молиявий воситачилик тизимининг мавжудлиги ҳисобланади. Шу жиҳатдан, молиявий воситачилар яъни инвестиция билан таъминловчилар ссуда капиталининг самарали ҳаракатини таъминлашга, мамлакатдаги инвестициявӣ фаолликни оширишга хизмат қиласди.

Бу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “Қайси давлат фаол инвестиция сиёсатини юритган бўлса, ўз иқтисодиётининг барқарор ўсишига эришган. Шу сабабли ҳам инвестиция – бу иқтисодиёт драйвери, ўзбекча айтганда, иқтисодиётнинг юраги, десак, муболага бўлмайди”¹[1]. Мамлакатимиз ҳамда унинг ҳудудлари иқтисодиёти барқарорлиги инвестиция сиёсати билан чамбарчас боғланган.

Бугунги кунда амалга оширилаётган давлат дастурлари шундан далолат бериб турибдики респубилка ижтимоий ва иқтисодий ривожланишида ҳудудлар ўртасидаги ўзаро иқтисодий фарқланишлар ва тафовутларни камайтириш долзарб вазифлардан бири саналади. Ушбу жиҳатларни этиборга олиб мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиш ҳудудларда ресурслардан фойдаланишни самарали амалга ошириш ҳамда минтақавий иқтисодиётнинг таркибий жиҳатдан такомиллаштиришга замин яратади.

¹ Ш.М.Мирзиёевнинг 2018 йилнинг 28 декабрь куни Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида

Хукуматимиз томонидан тадрижий ислоҳотларни амалга оширилиши мамлакатимизнинг инвестицион сиёсатида ҳамда миллий иқтисодиётда маълум таркибий ўзгаришларни намоён қилмоқда, бу эса ўз навбатида бозор муносабатлари шаклланишига ижобий таъсир кўрсатиши билан бир қаторда иқтисодий барқарорлик учун зарурый шарт-шароитларни юзага келтирмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳамда мухим таркибий ўзгаришлар натижасида нафакат ички инвестициялар, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларга, балки инвестицион фондларга бўлган талабни ошишига олиб келмоқда. Шундан келиб чиқсан ҳолда, хорижий инвестицияларни юқори ҳажмда жалб этиш билан бирга, маҳаллий инвестиациялар имкониятларини оширишга имкон берувчи инвестиция фондларини ташкил этиш ва уларни ривожлантириш мухим бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимиз ва унинг ҳудудлари табиий ресурсларга бойлиги, инфраструктура шароити ва меҳнат ресурслари юқорилиги билан инвестиция мұхитини янада жозибадор қилишга имкон беради. Шу боисдан, мавжуд вазиятни тўғри баҳолаган ҳолда инвестицияларни жалб этишни ва уни минтақлар иқтисодиёти ривожланишига кўмаклашиш зарурати туғилмоқда.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Минтақаларга инвестицияларни жалб этиш ва инвестицион мұхит жозибадорлигини оширишнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш, минтақаларнинг ҳудудий салоҳияти, тадбиркорлик фаолиятига инвестиция жалб қилишнинг минтақавий хусусиятлари бўйича бир қанча илмий изланишлар иқтисодчи олимлар ва мутахассислар томонидан олиб борилган.

Иқтисодчи олим M. Nowickining “...Инвестицион жозибадорлик бу - нафакат омиллар мажмуи эмас, балки муайян минтақанинг инвестиция оқимини омилларнинг комбинацияси орқали жалб қилиш қобилияти” дея таърифлайди. [3]

И.И. Ройзман фикрига кўра “...Инвестицион жозибадорлик-бу асосий капиталга сармоя киритиш учун потенциал тўловни талаб қиласиган турли хил объектив хусусиятлар, хусусиятлар, воситалар, имкониятлар тўпламидир” талқин этилади. [4]

И.Ф.д. Ш.И. Мустафақуловнинг ишларида минтақалардаги табиий ресурслар захираси, инвесторлар учун яратилган имтиёзлар, инфратузилма ҳолати, ҳудудларнинг инвестицион рейтинги хорижий инвестициялар оқими ҳамда ички инвестицияларнинг фаоллашувига таъсир кўрсатиши, бунда асосий капиталга йўналтирилган инвестициялар ҳажми инвестицион салоҳият ва иқтисодий салоҳият кўламининг юзага келишини таъминланиши юзасидан таклиф ва тавсиялар келтирилган [5].

Шунингдек, Ш.И. Мустафақулов томонидан инвестиция фаолиятини ривожлантириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ҳудудларда мазкур фаолиятни ривожлантириш бўйича инвестициялар жалб қилиш самарадорлигини оширишга қаратилган илмий таклифлар ишлаб чиқилган.

Миллий иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ўзбекистонда инвестиция фаолиятини амалга оширишнинг ҳудудий хусусиятлари ва ҳудулар инвестицион салоҳиятини баҳолаш мустақил илмий тадқиқот обьекти сифатида ўрганилмаган. Ушбу илмий муаммони иқтисодий адабиётларда етарли даражада ўрганилмаганлиги ва илмий-амалий аҳамиятга эга эканлиги мазкур мақоланинг мавзусининг танланишига асос бўлди.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот жараёнида Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажмини статистик гуруҳлаш, таҳлил қилиш, эксперт баҳолаш, тизимли ёндашув, таққослаш, киёсий таҳлил усуllibаридан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Республикализ инвестиция сиёсатида мамлакатимиз ҳудудларининг мутаносиб ривожланишини ва ҳудудий жиҳатдан ижтимоий-иктисодий барқарор ривожланишига эришиш алоҳида ўрин тутади. 2011 йилда республика иқтисодиётини тараккӣ

эттириш мақсадида асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг умумий ҳажми 19500,0 млрд сўмни ташкил этиб, худудлар кесимида қарайдиган бўлсак энг катта улушларга худудлар яъни Тошкент шаҳри (18,1 фоиз), Қашқадарё вилояти (11,6 фоиз), Тошкент вилояти (11,4 фоиз) ҳамда энг паст улушларга эга худудлар бу Хоразм вилояти (3,2 фоиз), Сирдарё вилояти (3,1 фоиз) ва Жizzах вилояти (3,0 фоиз) ҳиссасига тўғри келган. 2021 йилда ушбу кўрсаткичларни таҳлил қиласидиган бўлсак энг катта улушга худудлар Тошкент шаҳри (23,5 фоиз), Тошкент вилояти (11,4 фоиз), Бухоро вилояти (7,8 фоиз) шу билан бир қаторда энг паст улушларга эга худудлар кесимида қарайдиган бўлсак Сирдарё вилояти (3,6 фоиз), Хоразм вилояти (3,5 фоиз) ва Қорақалпоғистон Республикаси (3,2 фоиз) ҳиссасига тўғри келади. (1-жадвал).

Ушбу худудлар жалб қилинган инвестициялар, шу жумладан хорижий инвестициялар ҳисобига бир қатор тармоқларини модернизация қилди ҳамда замонавий технологиялар киритди ва оқибатда мамлакат экспортида юқори улушга эга бўлди. Статистик маълумотларга қарайдиган бўлсак кейинги йилларда Ўзбекистон Республикаси худудлари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг ўсиш суръатлари 2021 йил якуни бўйича Республикада ўртacha 105,3 фоизни ташкил этган бўлса энг юқори ўсиш суръатлари: Хоразм вилоятида 144,2 фоиз, Бухоро вилоятида 136,4 фоиз, Тошкент вилоятида 119,1 фоиз, Сирдарё вилоятида 116,4 ва Андижон вилоятида 115,3 фоизни ташкил этган. Хоразм вилоятидаги юқори ўсиш асосан янги массивларда замонавий уй-жойлар ва иссиқхоналарни қурилиши ҳисобига. Шунингдек Бухоро вилоятида сезиларли ўзгаришлар қайд этилган яъни, бундай натижани Қандим гурухи конлари газни қайта ишлаш заводи қурилиши, Хаузак ва Шоди конларини ўзлаштириш ва геология қидирув ишларини олиб бориш дастури доирасида ўзлаштирилган инвестициялар билан изоҳлаш мумкин. Гарчи Қашқадарё ва Навоий вилоятлари республикада инвестицияларни жалб қилишда етакчи худуд ҳисоблансада 2020-2021 йил якунларига кўра ушбу худудларда асосий капиталга жалб қилинган инвестициялар ўсиш суръатида пасайиш кузатилган. Бунинг сабабларини ушбу худудларда йирик инвестицион лойиҳаларни амалга оширилиш билан изоҳлаш мумкин.

1-жадвал. Ўзбекистон Республикаси худудлари бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар, млрд. сўм

Худудлар	<i>Йиллар</i>			2021-2011 йилга нисбатан ўзгариш (+,-) да
	2011	2016	2021	
Ўзбекистон Республикаси	19500,0	51232,0	244962,6	225462,6
Қорақалпоғистон Республикаси	950,3	3778,3	7879,1	6928,8
Андижон	1037,2	2188,5	12143,7	11106,5
Бухоро	2101,8	5922,9	18995,6	16893,8
Жizzах	580,3	1449,7	13224,4	12644,1
Қашқадарё	2265,9	7304,4	16225,1	13959,2
Навоий	1421,9	2963,2	16309,1	14887,2
Наманган	764,2	2824,5	13302,4	12538,2
Самарқанд	1345,6	3623,5	17722,8	16377,2
Сурхондарё	802,9	2142,4	11326,5	10523,6
Сирдарё	596,7	1322,9	8708,0	8111,3
Тошкент	2221,6	4238,7	27822,4	25600,8
Фарғона	1261,4	2643,6	12920,6	11659,2
Хоразм	627,1	1560,5	8580,3	7953,2
Тошкент.ш	3523,1	9268,9	57611,3	54088,2

Манба: ЎзР Статистика қўмитаси маълумотлар асосида муаллиф ишланмаси

Худудларда инвестиция фаолиятини янада такомиллаштириш хорижий ёки маҳаллий инвестицияларни худудларга жалб этишда кенг чора-тадбирларни амалга оширишни англатади. Инвестиция фаолиятини шакллантиришда давлат хусусий шерикчилигига инвестиция ва пай фондларидан самарали фойдаланишни ифода этади.

Умуман олганда, давлат хусусий шерикчилигига худудий инвестиция фондларини ташкил этишдан қуидаги мақсадларни ифодалаш мүмкін: худуднинг инвестициявий ва ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш, худуд корхоналарининг фаолиятига замонавий технологияларни ва инновацияларни жорий қилиш, янги иш ўринларини яратиш, худудда жойлашган корхоналар билан хорижий инвестиция компанияларининг ҳамкорлигини кучайтириш. Олиб борилган тадқиқотлар асосида республикамиз минтақаларида инвестиция фондларини ташкил этиш механизми қуидагича бўлиши мүмкін, деб ўйлаймиз (1-расм).

1-расм. ДХШдаги худудий инвестиция фондларини ташкил қилиш механизми²



Қайд этиш лозимки, давлат хусусий шерикчилигига худудий инвестиция фондларини ташкил этишда маҳаллий ҳокимият органлари ва худудий молия институтларининг ҳамкорлиги айни муҳим мезон бўлиб қолмоқда. Шу боисдан, минтақавий иқтисодиётнинг инвестиция дастурларини шакллантиришда инвестициялаш ҳамкорлигини қўзда тутувчи лойиҳаларнинг ҳажмини ошириш лозим.

Хулоса қилиб айтганда, худудларда амалга ошириладиган инвестиция фаолиятини самарали олиб боришда инвестиция фаолиятининг муҳим жиҳатларига эътибор қаратиш лозим. Жумладан, инвестицияларни жалб этиш механизмларини шакллантириш ва уларни тадрижий тарзда такомиллаштириб бориш, маҳаллий инвестициявий фаолликни оширишда давлат хусусий шерикчилиги асосида инвестиция фондларини ташкил этиш ва уларни доимий ривожлантириб бориш муҳим, деб ҳисоблаймиз ва қуидагиларга эътибор қаратиш лозим, деб ўйлаймиз:

- худудий жамғарма фондларни шакллантиришда хуқуқий меъёрий асосларини яратиш;
- худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига боғлиқ тарзда давлат маблағлари ажратмалари табақалашган ҳолда йўналтирилиши белгиловчи мезонларни ишлаб чиқиб жорий этиш;
- маълум бир лойиҳага давлат ва хусусий сектор маблағлари йўналтириш нисбатининг хуқуқий асосларини амалиётга жорий қилиш;
- танловга берилган лойиҳаларни танлаш муддатларини белгилаш;
- инвесторларда фонднинг имкониятлари тўғрисидаги ахборот шаффофлигини ошириш.

² Муаллиф ишланмаси

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ш.М.Мирзиёевнинг 2018 йилнинг 28 декабрь куни Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномаси.
2. Nowicki M. The Investment Attractiveness of the Regions and the Sub-regions of Poland 2010–Poland, Gdansk: The Gdansk Institute for Market Economics, 2010
3. Ройзман И.И. Сложившаяся перспективная инвестиционная привлекательность крупнейших отраслей отечественной промышленности // Инвестиции в России. 1998. № 1. С. 37-39.
4. Мустафақулов Ш.И. “Ўзбекистонда инвестицион мухит жозибадор-лигини оширишнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш” мавзусидаги докторлик диссертация иши автореферати. Тошкент. 2017 й.
5. Исматуллаев, Ж. (2021). MINTAQALAR IJTIMOIY-IQTISODIY RIVOJLANISHINING ZAMONAVIY SUR'ATLARI VA ULARNING INVESTITSION JOZIBADAORLIGINI TAHLILI. *Иқтисодиёт ва таълим*, (4), 355-358.